

Дуонинг самараси



08:17 / 18.05.2020 1934

Аҳмад ибн Заҳҳокдан ривоят қилинади: «Шурайх ибн Юнусни тушимда кўриб, «Эй Абул Хорис, Роббинг сенга қандай муносабатда бўлди?» дедим. У: «Роббим мени мағфират қилди, гуноҳларимни кечирди ва саройимни Муҳаммад ибн Башир ибн Ато Киндийнинг қасри ёнида қилди», деди. «Эй Абул Хорис, сен биз учун Муҳаммад ибн Баширдан улуғроқсан», дедим. У шундай деди: «Йўқ, ундай дема! Аллоҳ таоло Муҳаммад ибн Баширни барча мўмин ва мўминаларнинг савобларидан насибадор қилди, чунки у қачон Аллоҳ таолога дуо қилса, «Аллоҳим, барча мўмин ва мўминаларни, муслим ва муслималарни ва улардан бўлганларнинг гуноҳларини кечиргин!» деб дуо қилар эди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан